

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

**ФАЛСАФИЙ УСУЛ (МЕТОД)ЛАР, ҚОНУНЛАР ВА
КАТЕГОРИЯЛАР**

(бакалавриат йўналиши учун маърузалар матни)

Тузувчи: доц З.Ш.Ҳамидов

Андижон - 2011

9. Мавзу: Фалсафий усул (метод)лар, қонунлар ва категориялар

Вақт 2-соат

Режа

1. Тафаккур усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Диалектика тушунчаси. Умумий алоқадорлик, боғланиш ва ривожланиш ҳақидаги фалсафий қарашлар.
3. Тараққиётнинг моҳияти. Қонун. Фалсафий қонунлар.
 - а) Айният, тафовут, қарама – қаршилиқ ва зиддият тушунчалари ва улар диалектикаси.
 - б) Миқдор ва сифат воқелиги.
 - в) Инкорни инкор диалектикаси.
4. Фалсафий категориялар ва уларнинг табиат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти .

Таянч тушунчалар

Ўзгариш, тараққиёт, ўзаро алоқадорлик, усул (метод), услубият (методология), фалсафий методлар, диалектика, метафизика, синергетика, тараққиёт, қонун, қонуният, айният, тафовут, қарама – қаршилиқ, зиддият, миқдор, сифат, меъёр, сакраш, инкор, инкорни инкор, ворислиқ, янгиланиш, категория, ягоналик ва умумийлик, сабаб ва оқибат, мазмун ва шакл, система (тизим) ва элемент, структура (таркиб), бутун ва бўлак, моҳият ва ҳодиса, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелиқ.

Ўзини ўзи назорат қилиш учун савол ва топшириқлар

1. Ўзгариш ва тараққиётни қандай тушунасиш?
2. Усул (метод) нима? Ва уларнинг турларини аниқланг.
3. Услубият (методология) тушунчасини изоҳланг.
4. Диалектика ва унинг замонавий талқинини қандай тушунасиш?
5. Метафизика – барқарорлик услуби сифатида.
6. Синергетика ва унинг асосий ғоялари ҳақида гапиринг.
7. Қонун нима? Тамойил – чи?
8. Миқдор ва сифат нима? Меъёр ва сакраш – чи?
9. Айният, зиддият ва қарама – қаршилиқ тушунчаларини изоҳланг.
10. Диалектик инкор нима? Инкорни инкор –чи?
11. Фалсафий категориялар тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
12. Фалсафий категорияларнинг фан ва амалиёт учун аҳамияти нимада?

Адабиётлар

- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: Маънавият, 2008
- Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзб., 2000.
- Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида... Т., Ўзб., 1997.
- Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. Т.: Ўзб., 2005.
- Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзб., 2010
- Каримов И.А. БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити ялпи мажлисидаги нутқи. – Халқ сўзи, 2010 й. 22-сентябр.
- Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. I –китоб. Т.: Шарқ, 2004.
- Falsafa (M. Ahmedova va boshqalar). Darslik. Т., 2006.
- Фалсафа: қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004.

Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. Т.: Шарқ, 2004.

Фалсафа асослари. Дарслик. Тош.: Ўзб., 2005.

Маъруза мавзусининг мақсади: Талабаларни фалсафада усул (метод) ва услубият (методология) муаммоси, фалсафий қонунлар ва категориялар бўйича илмий-назарий билимлар билан қуроллантириш.

Борлиқ ва ундаги воқеа-ҳодисалар ўз моҳиятига кўра доимий ҳаракатда, ўзгариш ва ривожланишда, тараққиёт ва таназзулда.

Ўзгариш — борлиқдаги барча объектлар ва ҳодисаларнинг универсал, энг умумий хусусияти. Ўзгариш буюм, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ёки унинг бирон бир хоссаси, белгиси, хусусиятларининг алмашинуви, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиши жараёнидир. У ҳар қандай ҳаракат ва ўзаро таъсирни ифодалайди. Зеро, мавжудлик, энг аввало, ҳаракатланмоқ ва ўзгармоқ демакдир.

Ҳар қандай ўзгариш маълум маънода жараёндир. Ўзгаришларни ўз мазмунига кўра туб ва жузий ўзгаришларга бўлиш мумкин. Ички ва ташқи, зарурий ва тасодифий, муҳим ва муҳим бўлмаган ўзгаришлар... Механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ўзгаришлар.

Борлиқнинг ажралмас белгилари ичида унинг мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракатдир. Борлиқ ҳаракатсиз ўзининг тизимий яхлитлигини сақлай олмайди. Ҳаракат энг аввало ички зиддиятли жараёндир, яъни у буюм, воқеа-ҳодисадаги барқарорлик ва беқарорликнинг, ўзгариш ва осойишталикнинг бирлигидан иборат. Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи унсурлар ўртасидаги алоқадорликнинг натижаси, иккинчи томондан, улардаги ўзгаришлар сифатида намоён бўлади.

Тараққиёт - тизимни янгилашга олиб келувчи илгарилама ўзгариш.

Тараққиёт (ривожланиш) моддий объект ва маънавий омилларнинг 1) янги сифатларини юзага келтирадиган; 2) такрорланмайдиган, аниқ йўналишда юз берадиган; 3) қонуниятли асосда рўй берадиган туб ўзгаришлардир. Мазкур уч хусусият мавжуд бўлгандагина ўзгариш тараққиёт даражасига кўтарилади. Тараққиёт тизимларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши жараёнида, микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига айланиши, янги сифат томонидан эски сифатнинг инкор этилиши орқали юз беради. Тараққиёт оламнинг умумий тавсифи эмас, балки оламдаги моддий ва маънавий тизимларнинг хусусиятидир. Конкрет тизимлардан ташқарида тараққиёт йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тараққиётнинг муҳим томони шундаки, у замон билан боғлиқ, ҳар қандай тараққиёт маълум вақт давомида содир бўлади. Тараққиёт қуйидан юқорига, соддадан мураккабга, тор доиралардан кенг доираларга ички, зиддиятли, спиралсимон илгарилашдир.

Тараққиёт диалектиканинг асосий тамойилларидан биридир. Тараққиётнинг йўналишлари хилма-хил ва кўпқирралидир. Одатда табиий, ижтимоий ва илмий тараққиёт турлари ажратилади. Табиий тараққиёт табиатдаги нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ички, зарурий ва қонуний, айни пайтда стихияли ривожланиши тарзида намоён бўлса, ижтимоий тараққиёт жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг маълум маънода онгли ривожланиши тарзида содир бўлади...

Прогресс - мураккаб тизимларнинг юқори ва мукаммал босқичга ўтишини таъминлайдиган ривожланиш туридир.

Регресс - нарса, воқеа, жараённинг инқирози, орқага қайтишидир (1-илова).

Ўзаро алоқадорлик тараққиёт каби диалектиканинг асосий тамойилларидандир. Ўзаро алоқадорлик икки ва ундан ортиқ буюм, воқеа-ҳодисанинг бевосита ёки билвосита боғланиши, муносабатда, таъсирда бўлиши ҳолатидир. Борлиқда бирон бир нарса, ҳодиса, жараёнлар йўқки ўзаро алоқада, муносабатда, боғланишда бўлмасин. Борлиқдаги барча алоқаларни тизимлаштириб энг умумий, умумий ва хусусий алоқадорликка ажратиш мумкин. Ўзаро алоқадорлик ва боғланишларнинг кўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доирасига қараб

ички ва ташқи, зарурий ва тасодифий, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган турларига бўлиш мумкин...

Табиат ва жамиятдаги жараёнларда ўзгариш, ҳаракат, тараққиёт ва ўзаро алоқадорлик доимо биргаликда фаолият кўрсатади, уларни бирини иккинчисидан фақат назарий жиҳатдан ажратиш мумкин. Бунга ўнлаб мисолларни, сиз талабалар, ўзларингиз келтира оласизлар...

Борлиқ ва унинг конкрет турлари, шакл, кўринишлари ўз мавжудлигида, фаолиятида умумий алоқадорлик, боғлиқлик ва ривожланиш тамойилларига амал қилади. Фалсафа бу тамойил, қонунлар ва категорияларни амал қилиш йўллари, усулларини ўрганади.

Оламдаги ва одамдаги ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва боғлиқлик қай тарзда рўй бериши, қандай содир бўлиши мумкин? каби масалалар мана шундай муаммоларнинг ечимига ёндошишнинг хилма-хиллиги бир қатор фалсафий тафаккур усули ва таълимотларни юзага келтирди.

Усул (юнонча-метод)-энг умумий маънода мақсадга эришиш йўли, муайян тарзда тартибга солинган фаолият. Фалсафий маънода - билиш воситаси сифатида, ўрганилаётган буюмни тафаккурда қайта ҳосил қилиш йўлидир. Билиш усуллари асосида воқеликнинг объектив қонунлари ётади.

Услубият (Методология) - 1) бирор фанда татбиқ этиладиган тадқиқот усулларининг мажмуидир; 2) илмий билиш усули ҳақидаги таълимотдир.

Усуллар ўз моҳияти, амал қилиш доирасига кўра, ЭНГ умумий, умумий ва хусусий усулларга бўлинади... Бу усуллар ўзаро боғлиқ, бир-бирини бойитади ва яхлит бир тизим тарзида фаолият кўрсатади.

Усул-амалдаги назариядир.

Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика, схолостика каби тафаккур усуллари, ёндашувлар шулар жумласидандир (2-илова).

II. Диалектика-(қадимги юнон тилида баҳслашиш, суҳбатлашиш демакдир) тараққиёт тўғрисидаги таълимот, илмий билиш усулларида биридир. Диалектика қадимда баҳс-мунозаралар орқали ҳақиқатни аниқлаш йўли, усули, ҳақиқатга эришиш ва уни тушунтириш санъати тарзида талқин этилган. Диалектика ҳақидаги фалсафий билимлар ривожланиб бориши билан унинг мазмуни ҳам бойиб борди. Диалектика борлиқдаги барча нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар ўзаро алоқада, боғланишда, ўзгаришда ва ривожланишда, деб талқин қилувчи таълимот сифатида эътироф этилди.

Фалсафа тарихида диалектика тўғрисида хилма-хил қарашлар бўлган. Антик давр диалектикаси содда ва стихияли бўлиб, асосан, ҳаётий тажрибага асосланган. Диалектика атамасини Сократ биринчи бўлиб қўллаган, у диалектиканинг майевтика (харф яратиш санъати) билан таққослаган. Гераклит умумий ўзгарувчанликнинг универсаллиги, Зеноннинг апориялари, Элей мактаби вакиллариининг ҳаракат ва борлиқ шакллари, Демокритнинг атомлар мавжудлиги ва ҳаракати, Аристотелнинг ўзгарувчанлик муаммосини тараққиёт омили, зиддиятлар, инкор, ворислик, билиш хусусиятлари, мазмун ва шакл, методлар ҳақидаги қарашлари антик диалектикага қўшилган муҳим ҳиссадир. Янги замон диалектикаси Кант, Фихте, Гегел қарашларида муҳим ўрин тутди. Диалектикани тараққиётнинг умумий назарияси сифатида Гегел асослаб берган. У Аристотелдан кейин диалектикани фан даражасига кўтарган файласуфдир.

Фалсафа мутахассислари диалектиканинг турли хиллари бор, деб ҳисоблайдилар. Мас., объектив диалектика, субъектив диалектика, идеалистик диалектика, материалистик диалектика, метафизик диалектика ва бошқалар. Диалектика фалсафий метод ҳамдир. Унга кўра, оламда абадий ҳаракат, ўзгариш, доимий алоқадорлик, вақтнинг ортга қайтмаслиги, воқеаларнинг кетма-кетлиги, ривожланиш ва тараққиётда инкор ва ворислик мавжуддир.

Диалектика фан ва метод сифатида тарихийлик, мантиқийлик каби турли тамойиллар асосида олам, одам ва билим жараёнларини ўрганади, уларнинг доимий ўзгаришини ифодалайди.

Ворисийлик, абадий ва азалий узулуксизлик, доимий алоқадорлик, ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги, янгининг енгилмаслиги кабилар диалектика тамойиллари сифатида амал қилади.

Фалсафада ўзгариш ва ривожланиш тамойилларига асосланган тафаккурни диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни диалектик дунёқараш, ёндашувни диалектик ёндашув, изланиш усулини диалектик усул (метод) деб аташ одатга айланган. Шу билан бирга диалектикани талқин қилиш ва унга асосланишнинг ўзига хос кўриниш ва мактаблари мавжуд.

Метафизика (юнонча «физикадан кейин», «катта физика» маъносини ифодалайди) олам ва ундаги турғун, муайян вақт давомида нисбатан ўзгармай турадиган барқарор жиҳатларни оламнинг моҳияти сифатида талқин қилувчи таълимот. Метафизик усул ҳам ҳаётда, илмий изланишда ва фалсафий тафаккурда ўз ўрнига эга. Ҳозирги замон физика, химия, биология ва техника фанларининг шаклланишида, муайян қарашлар тизимининг юзага чиқишида метафизик фалсафий қарашларнинг хизмати катта.

Фалсафа ва унинг тарихида диалектик ва метафизик усуллардан ташқари софистика, эклектика, догматика, схоластика каби тафаккур усуллари ҳам қўлланилган ва қўлланилмоқда. Ҳозирги даврда герменевтика, синергетика ва бошқа бир қатор фалсафий тафаккур усул ва таълимотлари юзага келган. Фалсафий ёндашув ва методлар олам қонуниятларини тушунишга ёрдам беради ва файласуфлар бу усуллардан ўз тадқиқотларини амалга ошириш ва изланишнинг натижаларини талқин қилиш ва изоҳлашда кенг фойдаланадилар.

Фалсафа усул(метод)гина эмас, балки услуб (методология) ҳамдир, яъни билишлик ва амалий фаолиятни ташкил қилиш ва тузилиш йўллари ва тамойиллари тизими, шунингдек бу тизим ҳақидаги таълимотдир.

Софистика - қадимги юнон тилидан олинган тушунча бўлиб, атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо доим ҳам ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўчма мазмунга эришиш усулидир.

Эклектика (юн.-танловчи)-фикр кетма-кетлигига амал қилмасдан, бирон томоилга риоя қилмаган ҳолда турли, ҳатто бир-бирига зид ғояларни бир фалсафий таълимотда бирлаштириш усули. Диалектика усулидан чекиниб догматик хулосага келиш эклектикага тааллуқлидир. **Догматика** (юн.-фикр, таълимот) ақидапарастлик кўринишлардан бири бўлиб, бирон ҳақиқатни мутлоқлаштириш, борлиқдаги, фикрдаги ўзгаришларни эътироф этмаслиқдир. Бирон ижобий ғоя догматик қўлида тескаричилик куралига айланиши мумкин.

Синергетика-оламнинг борлиқдаги тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, турли тизимдаги нарсаларнинг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг тизими сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуи, тафаккур услуби. У XX асрнинг II ярмида илмий-техника инқилобини фалсафий таҳлил ва талқин қилиш негизида юзага келди. Г.Хакен, Н.Пригожин унинг асосчиларидандир. Синергетика асосан физика, кимёвий, биологик ҳодисаларнинг ҳамда иқтисодий, техник, ижтимоий жараёнларнинг ўз-ўзини ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, -тартиблиликдан тартибсизлик (хаос) га ўтиши, чизикли ва чизиксизлик каби ҳолатларнинг моҳияти ва қонуниятларини изоҳлайди. Агар диалектик таълимот кўпроқ чизиклилиқ тафаккурига асосланган бўлса, синергетика чизиксизлик тамойилини ёқлайди. Ушбу тамойил тараққиёт олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан кетмай, ҳар бир нарсанинг ички бир хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги ва бетакрор йўлдан боришини кўрсатади. Диалектик усул билан уйғун бўлган бу таълимотнинг доврўғи ўсиб бормоқда.

Ана шундай турли - туман қарашларга асос бўлган усуллар ҳар бир файласуф ва фалсафий таълимотларда ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда (тегишли мавзуларда буларга яна тўхталамиз).

III. Мазкур масала диалектика тамойиллари, қонунлари ва категорияларининг мазмун ва моҳиятини, уларнинг мавжудлик ва амал қилиш жараёнлари механизмини аниқлашни мақсад қилиб олади.

Принцип (тамойил) - бирон бир таълимотнинг асос қилиб олинган негиз қондаси (низоми) бўлиб, билишлик ва амалий фаолиятимизда унга онгли ва изчил риоя қилинади. Мас, диалектиканинг асосий принциплари умумий алоқадорлик ва боғлиқлик тамойили ва тараққиёт тамойилини олайлик...

Қонун - муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг хусусияти ва йўналишларини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган, объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, ички, барқарор муносабатларидир.

Қонуният тушунчаси қонун тушунчасига нисбатан кенгроқ, умумийроқ маънода қўлланилади. Агар қонун конкрет, зарурий боғланиш бўлса, қонуният табиат ёки ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаси изчил тараққиётини белгиловчи қонунларнинг бутун тизимининг жамланган фаолиятидир.

Муносабат барча ҳодисалар ўзаро алоқадорлиги, ўзаро боғлиқлигининг моментида.

Қонунларнинг объективлиги... Хусусий, умумий ва энг умумий қонунлар (3-илова). Табиат ва жамият қонунлари, уларнинг умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари... Динамик ва статик қонунлар...

Фалсафа қонунлари (4-илова) объектив дунё, жамият ва тафаккур ҳодисаларининг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланишининг энг умумий ва муҳим томонларини ифодалайди, моддий ва маънавий борлиқни ўрганиш ва ўзгартириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

а) Оламнинг мавжудлиги - микдор ва сифат воқелиги тарзида намоён бўлиб уни фалсафанинг микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни ўрганади. Бу қонун тараққиёт жараёнининг характерини, эскидан янгига ўтиш йўли ва шакллари, ўзгаришлар нимадан бошланиб қандай, нима билан тугабини кўрсатиб беради. Тараққиётнинг ички механизмини аниқлайди.

Микдор ва сифат ўзгаришлари бирлиги нарса ва ҳодисаларнинг микдор, сифатлари ўртасидаги муайянликни, микдорнинг ортиб бориши сифат ўзгаришига қандай таъсир кўрсатишини ва бошқа шулар билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларни ёритади.

Сифат буюм, воқеа-ҳодисаларнинг муайянлигини-«ўз»лигини таъминлайдиган, уларга барқарорлик бағишлайдиган хусусият ва белгилар йиғиндисидир. Сифат буюм ва воқеаларни бошқаларидан фарқловчи шундай ички муайянликки, унинг ўзгариши бошқа буюм ва воқеани юзага келтиради.

Нарса ва ҳодисаларнинг сифати фақатгина уни бошқа нарса ва ҳодисалардан ажратиб турмай, балки унинг нарса ва ҳодисалар билан ўзаро боғлиқ, чамбарчас алоқада эканлигини ҳам кўрсатади.

Нарса, воқеа-ҳодисаларда **кўп сифатлилиқ**...

Предмет ва ҳодисаларнинг сифати уларнинг "хосса"си орқали ифодаланган бўлади. Гарчи "сифат", "хосса", "хусусият" категориялари баъзан бир хил маънода ишлатилса -да, уларнинг фарқини билмоқ керак.

Сифат буюм ва ҳодисаларнинг умумий томонларини акс эттирса, яъни моҳиятини ифодаласа, хосса, хусусият-сифатнинг ташқи ифодаси, муайян буюм, ҳодисанинг бошқасига муносабатидаги сифатдир, унинг томонидир. Шу сабабдан ҳам сифат ўзгариши энг аввало хоссанинг ўзгариши билан боғлиқ. Сифат - хоссаларнинг бутунлиги.

Нарсаларнинг ҳамма хоссалари объектив шароит билан боғлиқ бўлиб, маълум бир пайтда конкрет бир хосса белгиловчи характерга эга бўлади. Мас., бензинни олганимизда унинг асосий хусусияти, хоссаси ёниш хусусиятига эгалидир, лекин баъзи пайтда бу хусусият иккинчи ўринга тушиб қолиши мумкин.

Хосса, хусусият, белгилар мутлоқ характерга эга бўлмай, нисбий, релятив характерга эгадир.

Нарса ва ҳодисалардаги сон, ҳажм, даража каби томонларнинг муайянлигига **микдор** дейилади.

Микдор билан сифат ўртасида умумий томон-объективлик хусусияти борлигидан ташқари, улар ўртасида айрималар ҳам бор. Сифат буюмга айнан тенг келса, микдорда бу ҳолатни кўрмаймиз, микдор узоқ давргача ўз ҳолатини сақлаб қола олмайди. Мас., айтайлик сув нол градус билан юз градус ўртасида суюқлик ҳолатини сақлаб қолади, юз градусга иситилса, буғга айланади... Совуқ, илиқ, иссиқ сув... Бу ҳолат микдорий ўсиш ёки камайишнинг ҳам маълум чегараси-меъёр чегараси борлигини кўрсатади. В. Гегель микдорнинг бу хусусиятига тўхталиб "Микдор ўзгариши содир бўлаётганида дастлаб бу ўзгариш бутунлай бегуноҳ бўлиб кўринади, лекин бу ўзгариш яна қандайдир бошқачароқ бир ҳолатни пана қилиб туради, аммо бегуноҳ бўлиб кўринган бу микдор ўзгариши шундай бир хийладирки, шу хийла воситаси билан сифат ўзгариши тузоққа илинади" (Гегель, Асарлар, I- т., 1929 й., 186-бет).

Демак, микдор, микдорий ўзгаришлар сифат билан, буюм билан ички жиҳатдан алоқадор, бу алоқадорлик яширин характерга эга.

Ҳар бир буюм, нарса, воқеа, ҳодиса микдор ва сифат муайянлигидан иборат, бу бирлик уларнинг ривожланишини таъминлайди, меъёр даражасини кўрсатиб туради. **Меъёр** нарса ва ҳодисаларнинг бирлигини ифодаловчи фалсафий категориядир. Меъёр нарса ва ҳодисанинг шундай бир пайтини акс эттирадики, бу чегарада микдорнинг ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келмайди. Меъёр чегарасининг бузилиши объектив жараён бўлиб, бу янги сифатни майдонга келтиради, янги сифатнинг яна микдорий ўсиши асосида меъёр чегараси бузилиб, ўрнини яна янгиси эгаллайди.

Меъёрнинг бузилиши, микдорнинг ўзгариши кўп ҳолларда тараққиёт билан боғлиқ бўлади.

Микдорнинг аста-секин ортиб бориши эволюцион ўзгаришга олиб келади. Эволюцион ривожланиш даврида одатда буюм, ҳодисанинг ички ўзгариши юз беради, улар ўзларининг моҳиятини сақлаб қоладилар.

Сакраш-эски сифатнинг инкор этилиши ва янги сифатнинг қарор топиши, узлуксизликнинг узилишидир. Сакраш эволюцион босқичнинг тугалланишидир.

Сакраш ривожланишнинг энг интенсив шаклидир. Сакрашлар секин ёки шиддатли бўлиши мумкин. Шиддатли сакрашнинг ўзига хос хусусияти эски сифатнинг янги сифатга кескин ва қатъий, бир зарб билан ўрин бўшатиб беришидир. Мас., табиатда элементар зарраларнинг, химиявий элементларнинг сифатий ўзгариши. Жамиятдаги инқилобий ўзгаришлар шиддатли сакрашлардир.

Секин, эволюцион (тадрижий) йўл билан сакрашда эски сифат элементлари охишта ўлиб, янги сифат элементларининг кўпайиши кузатилади. Мас., инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сингари мураккаб жараён бирданига содир бўлиши мумкин эмас эди.

Евбулиднинг "Кал", "Уюм" мисоллари.

Мустақил Ўзбекистон йўли-тадрижий ривожланиш йўли. Ўзбекистоннинг тарихан жуда қисқа, атиги 20 йил давомидаги мустақил ривожланиши жараёнида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий-маърифий, таълим соҳаларида туб сифат ўзгаришлари амалга оширилмоқда. Бунинг ёрқин мисоли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган далиллар, факт ва рақамлардир...

Микдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларига олиб келгани каби, ўз навбатида сифатий ўзгаришлар ҳам микдорий ўзгаришларга олиб келади...

б) Қарама - қаршиликлар бирлиги ва кураши ривожланишнинг ички манбалари, сабаблари, импульсларини кўрсатиб беради.

Тараққиётнинг манбаини қидириш жуда қадимдан бошланган.

Кишилар ўша даврлардаёқ қарама-қарши томонлар, улар ўртасидаги зиддиятлар ҳақида фикрлар билдирганлар. Чунончи, "Авесто" да эзгулик ва ёвузлик олами ўртасидаги кураш бош мавзу бўлиб, асардаги бутун воқеалар ана шу асосга қурилган.

Хитой, Ҳиндистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида ҳам қарама-қаршиликлар, уларнинг бирлиги, зиддиятлар тўғрисида салмоқли фикрлар мавжуд.

Диалектик тафаккурнинг асосчиларидан бири Гераклитнинг "Табиат ҳақида"ги парчалар тарзида етиб келган асарида ҳаракат, тараққиёт зиддиятлар туфайли амалга ошади, деган ажойиб фараз илгари сурилади. У қарама-қаршиликлар курашини абадий мавжуд бўлган "ялпи логос", яъни қонуният деб атаган.

Немис миллий фалсафасининг вакили Гегел зиддиятлар тўғрисидаги таълимотни чуқур ишлаб чиқди ва "зиддият ҳар қандай ҳаракатнинг ва ҳаётийликнинг томиридир", деган ниҳоят аҳамиятли фикрни тафаккур жараёни билан боғлади ва зиддиятларни келишиш йўли билан бартараф қилинади, деди.

Қарама-қаршилик нарса, ҳодисаларнинг бир-бирининг тақозо қиладиган, айти пайтда бир-бирини инкор этадиган жиҳат, хусусият, майллар бирлигидир. Мас., магнитнинг қутбий томонлари, плюс ва минус, жарангли ва жарангсиз, унли ва ундош, ўнг ва чап, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик ҳ.к.

Айният - қарама-қаршиликлар бирлиги ҳолати бўлиб, бу қарама-қарши томонларнинг боғлиқлиги ва нисбатан мос келишини ифодалайди.

Тафовут томонларнинг маълум даражада ўзаро фаркланишидир. **Зиддият** қарама-қарши томонлар ўртасидаги кескинлашган тафовутларнинг намоён бўлиш шаклидир.

Айният, тафовут, зиддият, қарама-қаршилик, конфликт буюм ва ҳодисаларнинг ички ҳолати, ривожланиш даражаси ва босқичларидир.

Қарама-қарши томонлар бирлигининг бузилиши миқдорий ривожланишнинг сифат ўзгаришига ўтишига, янги буюм, ҳодисанинг вужудга келишига олиб келади. Янги нарса, ҳодисада ҳам тафовутнинг имкониятлари яширинган бўлади. Мустақиллик ва жамиятимизнинг тадрижий тараққиёти, ундаги ўзгаришларнинг зиддиятли характери ҳамда уларни бартараф этиш йўллари Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12-ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида ўта аниқ ва асосли кўрсатиб берилган.

Табиат ва жамиятдаги зиддиятлар ички ва ташқи, асосий ва асосий бўлмаган, антагонистик ва ноантагонистик зиддиятлар тарзида намоён бўлади. Уларни конфликтология фани ўрганади.

Ички зиддиятлар объектив дунёдаги ҳамма ўзгаришларнинг, бир-бирига айланишларнинг томири, сабабидир. Асосий, бош зиддиятни тўғри аниқлаб олиш фан ва амалиётда ўта муҳимдир...

Умуман олганда, юқорида келтирилган зиддиятлар нисбий ва улар бир-бирига ўтиб туради.

Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг фан, амалиёт тараққиётидаги зиддиятларни ўрганиш, ечиш, ҳал қилишда методологик аҳамияти каттадир.

Ижтимоий ҳаёт ва унинг конкрет соҳалари ички зиддиятларини бартараф қилишда консенсус - келишувларнинг аҳамияти бекиёсдир. Бу усул жаҳон халқларининг миллий тотувликка, ўзаро ҳамкорликка, бирликка, барқарорликка эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Танқид, ўз-ўзини танқид ҳам зиддиятларни бартараф қилишнинг муҳим воситасидир...

в) Ўзгариш, ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамойили амал қилади. **Инкорни-инкор** эски билан янги орасидаги ворисийлик, диалектик боғлиқликни, тараққиётнинг куйи босқичидаги баъзи жиҳатларнинг юқори босқичда **такрорланишини** билдиради.

Инкорни-инкор ривожланишнинг йўналишини ифодалайди.

Табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг такрорланиш характерига эга эканликларини қадимги дунё мутафаккирлари ҳам билганлар ва улар бу такрорланиш тамойилларини аниқлашга ҳаракат қилганлар.

Бир латифада Оксфорд университетнинг икки талабаси меҳмонхона хўжайинини жамият воқеа-ҳодисалари ҳар юз йилда бир марта такрорланади, деб лаққиллатмоқчи бўлгани, меҳмонхона хўжайини уларнинг бу "кашфиёти" билан ўзларини мот қилгани ҳақида гап кетади.

Лекин Пифагор дунёни доиравий, айнан қайтарилиш назариясининг муддатини ҳам аниқлашга уринган.

Инкорни-инкор диалектикаси биринчи марта Гегелнинг фалсафий тизимида ўз ифодасини топди. Тезис-антитезис-синтез...

Амалий ҳаётда инкор йўқ дейиш, рад қилиш, йўқотиш... Механик, метафизик инкор.

Диалектик инкор ўзининг бир қатор хусусиятларига эга: 1) объектив; 2) нарса, ҳодисанинг ички ривожланиши натижаси; 3) тўлиқ бўлмаган инкор; 4) ворисийликка асосланади; 5) илгарилама ҳаракатнинг қонуний босқичи, тараққиётни ифодалайди; 6) конкрет-тарихий; 7) инкор этилаётган нарсанинг ижобий томонларини умумлаштиради, яъни синтезлаштиради (5-илова).

Инкор жараёндир, у доимо ҳаракатда, янгиланишда. Ҳар қандай янги давр ўтиб эскиради, ўрнини янги эгаллайди. Бу жараён узуликсизлик характерига эга. **Янгининг энгилмаслиги** тамойилининг моҳияти шундаки, янги конкрет шарт-шароитдан, давр эҳтиёжидан келиб чиқади, уни даврнинг ўзи яратади. Даврга мос бўлмаган белгилар, хоссалар, хусусиятлар бирин-кетин улоқтирилади ва ниҳоят эски буюм, ҳодисанинг ўзига ҳам навбат етади. Демак, ҳар қандай янги эскини инкор қилиш асосида юзага келади. Бу чексиз жараёндир. Бирор буюм, нарса ривожда кетма кет келган икки инкор бир тасдиқ аломатидир. Инкорни-инкор дейилиши мана шунга ишорадир. Инкорни-инкор қонуни тараққиётни қуйидан юқorigа, соддадан мураккабга, спиралсимон тарзда кечишини кўрсатади. Спиралсимонлик тараққиётда учлари туташмайдиган доиравийликни билдиради. Инкорни инкор универсал характерга эга. Мустақил Ўзбекистонимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда: иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, маориф ва бошқа жабҳаларда. Бу туб ўзгаришлар ворисийлик ва давомийликка асосланган. И. А. Каримовнинг "Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг" номли рисоласи номига эътибор беринг. Президентимизнинг бу даъвати халқимизнинг амалий фаолиятида ўзининг моддий ифодасини топмоқда. Мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида миллий мафкурани шакллантириш ва комил инсонни тарбиялаш энг муҳим долзарб вазифалардан бирига айланди.

Мазкур қонуннинг амал қилишини тўғри тушуниш фан, ишлаб чиқариш амалиётидаги ютуқларимиз калитидир.

IV. Фалсафа категориялари универсал, таркибий ва детерминистик алоқадорлик ва боғланишларни ифодаловчи тушунчалардир.

Категория тушунчасининг икки: луғавий ва фалсафий маъноси бор. Юнонча атама бўлган бу сўзнинг луғавий маъноси "таъриф", "гувоҳ", "ифодаловчи" демақдир. Фалсафий маънода **категория**-объектив реалликдаги буюм ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим, зарурий томонларини, хусусиятлари ва муносабатларини акс эттирувчи энг умумий фалсафий тушунчадир.

Фалсафий категориялар илк марта Аристотелнинг "Категориялар" асарида тизимлаштиришга уринилди. Форобий, Беруний ва Ибн Сино асарларида фалсафий категориялар ривожлантирилди ва бойитилди. XVII-XIX аср фалсафий категориялар

таҳлилида янги давр бўлди. Мас., Кант ва Гегель ижоди бунга ёрқин мисол. Натижада фалсафий категориялар тизими шаклланди ҳамда категорияларнинг фаолияти стихиялиликдан онглиликка юксалди. Моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши оқибатида инсон тафаккури янги категориялар билан бойиди, улар тизимга келтирилди ва такомиллаштирилди.

Одатда фалсафий категориялар ва диалектика категорияларини бир-биридан фарқлайдилар. Фалсафий категориялар бу-умуман фалсафий тушунчалар. Мас., борлик, онг, инъикос, ижтимоий борлик... Диалектика категориялари яхлит ҳодиса, жараёнларнинг "қутбий" томонларини акс эттириб, жуфт категория сифатида амал қилади: "Ягоналик ва умумийлик", "Мазмун ва шакл" ва ҳ.к.

Ҳар бир фаннинг ўз категориялари тизими бор. Мас., Ахлоқшунослик фанида ахлоқ, одоб, ҳуқ, ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт, эзгулик, этикет ва ҳ.к.

Фалсафа категориялари билан бошқа фанлар категорияларининг умумий ва ўзига хос томонлари мавжуд.

Уларнинг умумий жиҳатлари: 1) иккаласи ҳам объектив борлиқни ўрганади; 2) оламнинг инъикоси сифатида намоён бўлади; 3) бу категориялар ўз манбаи ва мазмуни жиҳатидан объективдир, шакл жиҳатдан субъективдир.

Фарқлари:

1) Фалсафа категориялари энг умумий тушунчалар бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг барча соҳаларида амал қилади, конкрет фан категорияларининг аксарияти ўз фани доирасида амал қилади; 2) фалсафа категориялари илмий билишда бошқа фанлар учун энг умумий усул- методологик вазифани бажаради; 3) фалсафа категориялари асосида инсон моддий-ҳиссий фаолиятининг йиғиндиси бўлган амалиёт ётади, шунинг учун улар ижтимоий амалиётнинг маҳсулидирлар (7-илова).

Фалсафа категориялари объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши ва тараққиётини акс эттирди.

Улар билиш жараёни тараққиётининг босқичлари ва шакллари. М., "яккалик" тушунчаси билан боғлиқ нарса, воқеа-ҳодисалар ҳиссий билиш орқали англанади. "Умумийлик" тушунчаси ифодаладиган нарсалар, воқеа-ҳодисалар ақлий билиш орқали ўрганилади. Ёки нарсани ҳодиса сифатида сезги аъзоларимиз орқали билсак, уни моҳият сифатида фақат онг орқали биламиз ва ҳ.к.

Ҳар бир категориянинг ўз амал қилиш ўрни ва доираси, ўзига хос аҳамияти бор (8-илова).

Ягоналик ўз такрорланмас белгилари, хусусиятлари билан ажралиб турадиган нарса, ҳодиса, жараёндир. Биз бу - Саидова Раъно, Андижон давлат университети, Ўзбекистон Республикаси мадҳияси, герби деганимизда, албатта ана шундай алоҳидалик, ягоналик тўғрисида гап кетаётган бўлади. Ягоналик шундай хусусиятларни ўзида гавдалантирадики, бу хусусиятлар қайта такрорланмаслиги, бошқа нарса, ҳодисаларда учрамаслиги билан характерланади.

Умумийлик объектив реалликнинг барча ёки бир қанча нарса ёки ҳодисаларидаги мавжуд бўлган томонлар, хоссалар, белгилар мажмуи, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларнинг ўхшашлигидир.

Умумийлик яқка предмет ва ҳодисаларнинг асосий белгиларини доимий, такрорланиб туришидир. Умумийлик категорияси маълум белгиларнинг бирлигига қараб, маълум бир гуруҳ, тўда, синфга кирган предмет, воқеа-ҳодисаларни ҳам акс эттирди.

Умумийлик ва ягоналик категориялари билан бир қаторда хусусийлик тушунчаси- категорияси ҳам мавжуд бўлиб, бу алоҳидалик билан умумийликни боғловчи звенодир.

Хусусийлик маълум бир муносабатда умумийлик, бошқасида эса яккалик тарзида намоён бўлувчи нарса, ҳодиса. Хусусийлик айримликка нисбатан кенг, умумий бўлиб, умумийликка нисбатан тор, алоҳидалик тушунчасидир.

Ҳар қандай буюм, ҳар қандай ҳодиса ягоналик ва умумийликнинг бирлигидан иборатдир.

Умумийлик, хусусийлик ва ягоналик (айримлик, алоҳидалик) категориялари ўз моҳиятига кўра конкрет ва нисбийдир. Уларнинг амал қилиш хусусиятлари ранг-баранг ва серқиррадир. Тараққиётнинг ўзбек модели алоҳидалик ва умумийликнинг ёрқин намунасидир.

Моҳият-бу нарса, буюм, жараёнларнинг ички, муҳим, асосий, зарурий, барқарор алоқалари, томонлари муносабатлари йиғиндисини англатади.

Ҳодиса-моҳиятнинг у ёки бу ҳолда намоён бўлувчи, объектив воқеаликнинг ўзгарувчан, ҳаракатчан хусусиятларга, белгиларга бой бўлган томонидир.

1. Моҳият ички алоқаларни, ҳодиса ташқи алоқаларни акс эттиради.

2. Моҳият буюм, воқеаликнинг ички, ҳодиса эса ташқи томонидир.

3. Моҳият ўзини туғдирган объектив шароит мавжуд экан, доимий ва барқарор сақланиб тураверади... Моҳият ҳодисага қараганда секин ўзгаради.

4. Моҳият ҳодисага нисбатан чуқурроқдир.

Ҳодиса моҳиятга нисбатан бойроқ ва у нарсаларни ҳар томонлама характерлайди.

Ҳодиса ва зоҳирийлик. Мас., Қуёшнинг Ер атрофида айлангандек кўриниши. Ёки саҳродаги сароб...

Ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур таҳлил қила олиш қобилияти ёшларнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси олдида турган улкан вазифаларга раҳбарлик қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Мазмун-наرسа ва воқеа-ҳодисаларнинг асосини ташкил қилувчи, ички элементлар, жараёнлар ва улар муносабатларининг тартибли мажмуидир. Мас., бадиий асарнинг мазмуни унда олға сурилган ғоялар бўлиб, бу ғоялар воқеликнинг, кишилар турмушининг маълум томонларини акс эттиради.

Шакл-мазмуннинг ифодаланиши, яшаш усулидир. У мазмунни ички тузилиши тарзида намоён бўлади. Предмет ва ҳодисанинг ташқи ва ички шакли. Мазмуннинг турли шаклларда ифодаланиши. Турли шаклларни махсус ўрганувчи қатор фанлар ҳам мавжуд: структурали лингвистика, геоморфология, ўсимликлар ва ҳайвонлар морфологияси... Билимларни формаллаштириш методи...

Мазмун ва шакл бир бутунлик, яхлитлиқдир. Унинг бирисиз иккинчиси бўлиши мумкин эмас. Мазмун ва шакл муносабатида мазмун белгиловчи, шакл белгиланувчи, лекин фаол белгиланувчидир.

Бутун-ўзаро боғлиқ бўлаклардан тузилган мустақил бирлик, объектнинг ички бирлиги, яхлитлиги. Бутун қисмларнинг йиғиндисидан каттароқдир (Аристотел).

Қисм-бутунни ташкил этувчи бўлак. Бутун ва қисм алоқа ва боғланишлари мураккаб, зиддиятли характерда. Бутун ва қисм категориялари нисбий. Ҳар қандай бутун айна пайтда қисм, ҳар қандай қисм бутун функциясини бажаради.

Антиномия: 1) бутун қисмлар йиғиндисидир; 2) бутун қисмлар йиғиндисидан каттадир.

Жаҳонда интенсив амалга ошаётган глобаллашув жараёнлари дунёни яхлит бир бутунликка айлантириб қўйди. Ўзбекистон мана шу бутунликнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Бутун ва қисм категориялари борлиқни билиш ва ўзлаштиришнинг ўзига хос шакллари, босқичлари сифатида дунёнинг моддий ва маънавий бирлиги муаммосини илмий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Система (тизим)-ўзаро муносабат ва алоқада бўлувчи ва муайян яхлитлиқни, таркибни ташкил этувчи элементларнинг тартибли тўплами. Мас., Республикамиздаги кадрлар тайёрлаш тизимини олайлик.

Структура (таркибий тузилиш)-бутунлиқни ташкил қиладиган элементларнинг боғланиш усули, қонуни, бутун доирасидаги муносабатлар тизими. Мас., Коинотнинг таркибий тузилиши...

Элемент-мураккаб буюм, ҳодиса, жараёнларнинг майда бўлакларга бўлинмайдиган компоненти. Система, структура ва элементнинг нисбий характери ва уларнинг бир-бирига ўтиб туриши.

Ҳозирда турли фанлар соҳаларида тадқиқот объектини чуқурроқ ўрганиш мақсадида системали ёндошиш, структуравий анализ усуллари катта эътибор берилмоқда.

Сабаб-ўзига мувофиқ келадиган бирор натижани келтириб чиқарувчи ҳолат, вазият, омил.

Оқибат-сабаб таъсирида юзага келадиган натижа, яқун. Баҳона.

Сабабият (каузаллик)-сабаб ва оқибат алоқадорлиги. У воқеа, ҳодисаларнинг умумий, қонуниятли боғланишларидан биридир ва кетма-кетликка асосланади.

Ички ва ташқи, муҳим ва муҳим бўлмаган, зарурий ва тасодифий сабаблар. Уларнинг амал қилиш диалектикаси.

Детерминизм принципи. Механистик, метафизик детерминизм (вакиллари Бэкон, Ньютон, Лаплас ва XVIII аср француз материалистлари) ва индетерминизм (Д.Юм, И. Кант, Э. Мах, Б. Рассел).

Сабаб ва оқибат алоқадорлигини тўғри билиш кишиларнинг ўз мақсадларини ижобий ҳал қилишида ғоят муҳимдир.

Зарурият муайян шароитда албатта юз бериши лозим бўлган нарсa, воқеа-ҳодисасидир.

Тасодиф-нарсанинг моҳиятидан, мазкур жараённинг қонуний ривожланишидан келиб чиқиши кутилмайдиган ҳодиса. Мисоллар. "Кал, бургут ва тошбақа".

Зарурат ва тасодиф диалектикаси мураккаб ҳарактерда. Тасодиф заруратнинг юзага чиқиш шаклидир. Уларнинг иккаласи ҳам объектив ҳарактерда. Айрим файласуфлар (Т.Гоббс, П.Гольбах) тасодифни инкор этадилар.

Фаннинг асосий вазифаси борлиқдаги нарсa ва ҳодисаларнинг ички, зарурий алоқадорлигини кашф этиш ва улар тизимидаги тасодифларни аниқлашдан иборат.

Имконият-воқеликнинг эмбрионал кўриниши; ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлган ҳодиса. Имконият фақат маълум воқеликнигина келтириб чиқаради.

Воқелик-рўёбга чиққан имкониятдир; реал мавжуд, яшаб турган буюм, ҳодиса, жараёнлардир. Формал, мавҳум ва реал имкониятлар. Имкониятларнинг воқеликка айланишида объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилнинг роли... Ўзбекистон мустақиллиги шароитида инсон омилнинг ошиб бориши қонуний жараёндир.

Демак, фалсафа категориялари объектив, универсал категориялар сифатида борлиқнинг барча соҳаларида амал қилади. Воқеа, ҳодисаларнинг мураккаб тузилишини, сабабийлигини, ўзаро алоқадорлигини ва боғлиқлигини амалиётда кўрсатади.

9-Мавзу	<i>Фалсафий усул (метод)лар, қонунлар ва категориялар.</i>
----------------	---

9.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Машғулот вақти-2</i> соат	Талабалар сони: 50 – 75 нафаргача
<i>Машғулот шакли</i>	Муаммоли суҳбат асосидаги маъруза

Маъруза режаси	1. Тафаккур усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. 2. Диалектика тушунчаси. Умумий алоқадорлик, боғланиш ва ривожланиш ҳақидаги фалсафий қарашлар. 3. Тараққиётнинг моҳияти. Қонун. Фалсафий қонунлар. а) Айният, тафовут, қарама – қаршилиқ ва зиддият тушунчалари ва улар диалектикаси. б) Миқдор ва сифат воқелиги. в) Инкорни инкор диалектикаси. 4. Фалсафий категориялар ва уларнинг табиат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти.
Ўқув машғулотининг мақсади: <i>Талабаларни фалсафада усул (метод) ва услубият (методология) муаммоси, фалсафий қонунлар ва категориялар бўйича илмий-назарий билимлар билан қуроллантириш, фалсафий методларнинг фанлар тизимидаги ўрнини аниқлаш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i> • Тафаккур усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш. • Диалектика тушунчаси, умумий алоқадорлик, боғланиш ва ривожланиш ҳақидаги фалсафий қарашларни тушунтириш. • Тараққиётнинг моҳияти, фалсафий қонунлар: а) айният, тафовут, қарама – қаршилиқ ва зиддият тушунчалари ва улар диалектикаси; б) Миқдор ва сифат воқелиги; в) Инкорни инкор диалектикасини талабалар онгига етказиш. • Фалсафий категориялар ва уларнинг табиат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ёритиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> • Тафаккур усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берилади. • Диалектика тушунчаси, умумий алоқадорлик, боғланиш ва ривожланиш ҳақидаги фалсафий қарашлар тушунтирилади. • Тараққиётнинг моҳияти, фалсафий қонунлар: а) айният, тафовут, қарама – қаршилиқ ва зиддият тушунчалари ва улар диалектикаси; б) миқдор ва сифат воқелиги; в) инкорни инкор диалектикасини талабалар онгига етказилади. • Фалсафий категориялар ва уларнинг табиат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ёритилади.
<i>Таълим бериш усуллари</i>	Муаммоли маъруза, ақлий хужум, савол -жавоб, мунозара.
<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, гуруҳий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Янги адабиётлар, интернет материаллари, тарқатма материаллар, плакатлар.
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

9.2. “Фалсафий усул (метод)лар, қонунлар ва категориялар” мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Йўқлама қилинади, дарсга тайёргарлик текширилади. 1.2. Мавзу номи, унинг мақсади ва вазифалари билан таништирилади. 1.3. Мавзу режаси саволлари ёзув тахтасига қайд этилади ва уларга қисқача тўхталинадиди. 1.4. Маъруза муаммоли суҳбат тарзида олиб борилиши уқтирилади.	Тинглайди
2-босқич Асосий босқич (65дақиқа)	2.1. Мавзунинг билиш даражаси саволлар бериш йўли билан аниқланади. 2.2. Талабалар диққатини мавзунинг асосий жихатларини билишга қаратилади, уларнинг фан ва амалиётдаги аҳамияти уқтирилади. (1,2- иловалар) 2.3. Мавзу режаси саволлари талабалар томонидан муаммоли тарзда ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилади. 2.4. Саволларга жавоблар бериш жараёнида талабалар томонидан уйда бажарилган тарқатма материалларнинг натижалари таҳлилига диққатни қаратилади, камроқ англашилган жихатларига кенгрок ва асослироқ тўхталинадиди.	Талабалар берилган саволга жавоб беради. Тинглайдилар, конспектлашти радилар.
3. Якуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради. 3.2. Мавзу бўйича якунловчи хулоса чиқарилади (3, 4- илова).	Саволлар беради. Тинглайдилар, конспектлашти радилар.

Ўқув визуал материаллар

9.1-илова

Ўзгариш — борликдаги барча объектлар ва ҳодисаларнинг универсал, энг умумий хусусияти. Ўзгариш буюм, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ёки унинг бирон бир хоссаси, белгиси, хусусиятларининг алмашинуви, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиши жараёнидир.

Ҳаракат – борликдаги ҳар қандай ўзгаришдир.


Тараққиёт - тизимни янгилашга олиб келувчи илгарилама ўзгариш.

Тараққиёт (ривожланиш) моддий объект ва маънавий омилларнинг 1) янги сифатларини юзага келтирадиган; 2) такрорланмайдиган, аниқ йўналишда юз берадиган; 3) қонуниятли асосда рўй берадиган туб ўзгаришлардир.

Прогресс - мураккаб тизимларнинг юқори ва мукаммал босқичга ўтишини таъминлайдиган ривожланиш туридир.

Регресс - нарса, воқеа, жараённинг инқироzi, орқага кайтишидир.

9.2-илова



9.3-илова



9.4-илова



9.5-илова

Диалектик инкор ўзининг бир қатор хусусиятларига эга: 1) объектив; 2) нарса, ҳодисанинг ички ривожланиши натижаси; 3) тўлиқ бўлмаган инкор; 4) ворисийликка асосланади; 5) илгарилама ҳаракатнинг қонуний босқичи, тараққиётни ифодалайди; 6) конкрет - тарихий; 7) инкор этилаётган нарсанинг ижобий томонларини умумлаштиради, яъни синтезлаштиради.

9.6-илова

Б./Б./Б. техникаси
Фалсафий категориялар бўйича

№	Тушунчалар	Биламан (+) Билмайман (-)	Билдим (+) Била олмадим (-)
1.	категория		
2.	ягоналик		
3.	умумийлик		

4.	сабаб		
5.	оқибат		
6.	мазмун		
7.	шакл		
8.	система (тизим)		
9.	элемент		
10.	структура (таркиб)		
11.	бутун		
12.	бўлак		
13.	моҳият		
14.	ҳодиса		
15.	зарурият		
16.	тасодиф		
17.	имконият		
18.	воқелик		

9.7-илова

Фалсафа категориялари билан бошқа фанлар категорияларининг умумий ва ўзига хос томонлари мавжуд..

Уларнинг умумий жиҳатлари: 1) иккаласи ҳам объектив борлиқни ўрганади; 2) оламнинг инъикоси сифатида намоён бўлади; 3) бу категориялар ўз' манбаи ва мазмуни жиҳатидан объективдир, шакл жиҳатдан субъективдир.

Фарқлари:

1) Фалсафа категориялари энг умумий тушунчалар бўлиб, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг барча соҳаларида амал қилади, конкрет фан категорияларининг аксарияти ўз фани доирасида амал қилади; 2) фалсафа категориялари илмий билишда бошқа фанлар учун энг умумий усул-методологик вазифани бажаради; 3) фалсафа категориялари асосида инсон моддий-ҳиссий фаолиятининг йиғиндиси бўлган амалиёт ётади, шунинг учун улар ижтимоий амалиётнинг маҳсулдирлар.

ДИАЛЕКТИКА КАТЕГОРИЯЛАРИ

Ягоналик (яккалик) ва умумийлик

Моҳият ва ҳодиса

Мазмун ва шакл

Бутун ва бўлак (қисм)

Тизим (система) ва элемент

Сабаб ва оқибат

Зарурият ва тасодиф

Имконият ва воқелик

**Андижон Давлат Университети фалсафа кафедраси доценти З.Ш.Ҳамидовнинг
“Фалсафий усул (метод)лар, қонунлар ва категориялар” (бакалаврият йўналиши
учун) мавзусидаги маъруза матнига**

Т А Қ Р И З

2 соатга мўлжалланган мазкур маъруза матни 23 бет ҳажмида бўлиб, у мавзу режаси, таянч тушунчалар, ўз-ўзини назорат қилиш учун савол ва топшириқлар, адабиётлар, таълим бериш технологиясининг модели, маъруза машғулотининг технологик картаси ва иловалардан иборат. Маъруза муаммоли суҳбат асосдаги аралаш усуллардан фойдаланиш асосига қурилган.

Маъруза матни дарсликнинг мақсадини аниқлашдан бошланади. Маъруза матнида тафаккур усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, диалектиканинг умумий алоқадорлик, боғланиш ва ривожланиш усули эканлиги, тараққиётнинг моҳияти, фалсафий қонунлар ва уларнинг асосий тушунчалари, уларнинг амал қилиш диалектикаси назарий жиҳатдан тўғри, амалий жиҳатдан турли хил усулларни қўллаган ҳолда аниқ ва

лўнда, ҳаётий мисоллар орқали ишончли кўрсатиб берилган. Фалсафий категориялар ва уларнинг амал қилиш йўллари ҳамда уларнинг табиат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти кенг ёритилган.

Маъруза матни ўқув визуал материаллари ва слайдлар билан бойитилган.

Ушбу маъруза матни Давлат таълим стандарти талаблари асосида яратилган ва олий таълим муассасасида фойдаланиш учун тўла мос келади.

О.Тохиров – Андижон муҳандислик – иқтисодиёт институти доценти.

Андижон Давлат Университети фалсафа кафедраси доценти З.Ш.Ҳамидовнинг “Фалсафий усул (метод)лар, қонунлар ва категориялар” (бакалавриат йўналиши учун) мавзусидаги маъруза матнига

Т А Қ Р И З

Ушбу мавзуда маърузачи олий ўқув юрти талабаларини фалсафада усул (метод) ва услубият (методология) муаммоси, фалсафий қонун ва категорияларнинг мазмун – моҳияти ҳамда уларнинг табиат, жамият ва инсон тафаккурида амал қилиш жараёнлари ҳамда усуллари – йўллари тўғрисида илмий – назарий билимлар билан қуроллантиришни мақсад қилиб олган.

Маъруза матнида мавзуга доир барча фалсафий категориялар қамраб олинган ҳамда улар илмий, назарий жиҳатдан тўғри таърифланган. Фалсафий методлар ва қонунлар моҳияти ҳамда уларнинг амал қилиш диалектикаси содда, лўнда ва айни пайтда ҳаётий мисоллар асосида давр руҳи билан ҳамоҳанглик тарзида баён қилинган. Унда мустақиллик туфайли қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлар Президентимиз И.Каримовнинг янги адабиётлари асосида асослаб берилган.

Мавзу бўйича берилган таълим бериш технологиясининг модели ва маъруза машғулотининг технологик картаси мавзунини кенг ва ҳартомонлама чуқур ўрганишга амалий ёрдам беради.

Мазкур маъруза матни Давлат таълим стандарти талабларига жавоб беради ва олий таълим муассасаларида фойдаланиш учун тўла яроқлидир.

АДУ доценти

Ш.Валиев

